



# O'ZBEKISTON



# O'ZBEKISTON O'ZODLIGI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 26-avgust • Shanba • 99-100 (27.592) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ФАРМОНИ

### «ЎЗБЕКISTON ҚАХРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ишлорларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги булкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узок йиллик қахрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш

авлодни ватанпарварлик ва халқларварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:  
**Абдуллаев Абдугани** — Республика «Усто» ижодий уюшмасининг Қўқон бадий ишлаб чиқариш корхонаси ёғоч-ўймакор устаси

**Абдуллаҳўжаева Малика Саматовна** — Республика патологик анатомия маркази директори, академик  
**Илясов Баҳодир Қиёмович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 214-машиналашган темир йўл станциясининг йўл соловчиси

**Саматов Саме** — Гулистон давлат университети қошидаги академик лицей директори, Сирдарё вилояти **Хайтметов Гулмат** — Гурлан туманидаги «Хайтмат ота» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти **Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ** Тошкент шаҳри, 2006 йил 25 август.



Абдуллаев Абдугани




Абдуллаҳўжаева Малика Саматовна



Илясов Баҳодир Қиёмович



Саматов Саме



Хайтметов Гулмат

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ФАРМОНИ

### Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн беш йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Ватанимиз Мустақиллигини мустақамлаш, унинг халқаро миқёсидаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетақдор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI САНЪАТ АРБОБИ»  
**Амануллаева Дилором Дарвиновна** — Ўзбекистон давлат консерваторияси эстрада санъати кафедраси мудири, композитор  
**Мусоқов Зулфиқор Жалолович** — «Ўзбекфильм» киностудияси постановкачи-режиссёри  
«ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ХАЛҚ АРТИСТИ»  
**Бегматова Азиза** — Аброр Ҳидоят номлидаги ўзбек давлат драма театри актриси  
**Маъдиев Рустам Кароматович** —

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри бош режиссёри  
**Соловей Зинаида Ивановна** — Тошкент давлат мусикали комедия (оперетта) театри актриси  
«ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ХАЛҚ РАССОМИ»  
**Қодиров Ғофур Қобилович** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи  
«ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ХАЛҚ УСТАСИ»  
**Ботиров Бозор Эшимович** — Қашқадарё махсус илмий-таъмирлаш ва

ишлаб чиқариш «Мерос» хўссадорлик жамиятининг таъмирловчи устаси  
**Мамажонов Маҳмуджон Тожибоевич** — «Усто» бирлашмаси аъзоси, қўлол  
«ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ХАЛҚ ШОИРИ»  
**Саидов Сирожиiddин Салохович (Сирожиiddин Сайид)** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, шоир  
**Ҳакимов Охунжон (Охунжон Ҳаким)** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими масъулаҳатчиси, шоир  
(Давоми 2-бетда)

## Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллик тўйига Беш кун қолди!

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

### Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустақамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур синдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.  
Бу борада тегишли идора ва ташкилотлар, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилаётганини қайд этиш лозим.  
Шу билан бирга, халқаро майдонда мафқуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида турли мафқуравий хужулардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик хиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга ҳавф туғдириши мумкин бўлган тажовуларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги

ишларни, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг фаолияти ва таркибий тuzилишини қайта қўриб чиқишни тақозо этмоқда.  
Мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида ҳамда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг навбатдаги йиғилишида билдирилган тақлифларни инобатга олган ҳолда:  
1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги Республика Маънавият ва маърифат кенгашига раислик қилиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси Раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимлигига эса худудий кенгашларга раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилсин.  
2. Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ишлари бўлимига қўшимча равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар бўлимига ёрдамчиси штати (жами 14 та штат бирлиги) киритилсин.  
3. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг таркибий тuzилиши иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги Миллий мафқура илмий тарғибот маркази ўрнига Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишида фаолият олиб борадиган, давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган Миллий ғоя ва мафқура илмий-амалий маркази ташкил этилсин.  
Қуйидагилар Миллий ғоя ва мафқура илмий-амалий марказининг асосий вазифаси этиб белгилансин:  
миллий ғоя ва мафқура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафқуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрафлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларни аниқлаш, уларнинг аҳоли турли катламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафқуравий хужуларнинг моҳиятини очиб бериш; халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удулларига, ёшларимизнинг онгини захарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафқуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш;  
(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

### Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига навбатдаги шатлар тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:  
1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари резервида бўшатилинсин.  
2. Қақрилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг қақрув ёшидаги фуқаролари 2006 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий хизматга қақрилсин.  
Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда қақрилиш муддатини кечиктириш

ва қақрилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу қақрув мобайнида Куролли Кучлар сафига қақрилимайдиган фуқаролар сафарбарлик қақруви резервида олинсин.  
3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий ҳафсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ** Тошкент шаҳри, 2006 йил 25 август

# ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

## ЎЗБЕКISTON PREZIDENTI ISLOM KARIMOV 25 AVGUST KUNI TOHKENT SHAHRIDA AMALGA OSHIRILAYTGAN BUNEDKORLIK ISHLARI BILAN TANIISHDI

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида фойдаланишга топширилаётган янгидан-янги корхоналар, тиббиёт муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежлар, спорт мажмуалари, санъат ва маданият қосоналари, равон йўллар, кўприклар, боғу роғлар, хибоблар, фавворалар юртимиз шаҳару қишлоқлари кўрмага-кўрк, чиройига-чирой қўшмоқда.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 25 август кунини Тошкент шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлик ишлари билан танишишни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғидан бошлади. Истиқлол йилларида мазкур боғнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Унинг янгидан қурилган 12 усту ва бешта гумбаздан иборат нақшинкор маҳобатли дарвозаси Бешёғоч майдонининг ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди.  
Бу ердаги кўл янгидан барпо этилиб, атрофи ободонлаштирилди. Худуди бир неча гектарни ташкил этадиган кўл сувининг тозаллигини мунтазам таъминлаб турадиган ирригация иншоотлари қурилди.  
Мамлакатимиз Президенти боғ худудиди қурилган Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси биноси билан танишар экан,



мазкур иншоотни барпо этишда иштирок этган меъморлар, муҳандислар, қурувчилар ва усталарнинг меҳнати ва маҳоратига юксак баҳо берди. Халқимизнинг асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келеётган маданияти ва амалий санъатини кенг тарғиб этиш-

да бу кўргазма зали муҳим аҳамиятга эга бўлишини таъкидлади.  
«ТошкентбошланЛТИ» лойиҳалаш институтини лойиҳаси асосида барпо этилган мазкур бинонинг тўрт томонига нақшинкор айвонлар ўрнатилган. Уни бунёд этишда пойтахтимиздаги 159-

қурилиш трести қурувчилари жонбозлик кўрсатган бўлса, безашда «Усто» бирлашмасининг қўли гул ёғоч ўймакорлари ва ганчкорлари ўзининг юксак маҳоратини намойиш этдилар. Кўргазма атрофидаги қарийб йигирма гектарлик майдонга турли дархат-

лар экилиб, кўзаларни қувнатувчи яшил майсалар ундирилди.  
— Ушбу маданият ва санъат кўргазмаси биносининг бунёд этилиши халқимизнинг маънавий тақомилига хизмат қилади, — деди давлатимиз раҳбари. — Айни пайтда у аждодларимиздан

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2006 йил 25 август кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси очилди.  
Мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, фаолияти Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўдилар.  
Мажлисини Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.  
(Давоми 3-бетда)



(Давоми 2-бетда)





## Абдивоҳид Маматқулович ЖҶРАЕВ



Мамлакатимиз аграр тармоғи, шунингдек, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти фани оғир ҳудудликка учради. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари, иқтисод фанлари доктори, профессор, етук олим ва аждоғи инсон Абдивоҳид Маматқулович Жўраев бевақт вафот этди.

Абдивоҳид Жўраев 1954 йилнинг 26 мартида Сурхондарё вилоятининг Жарқўрган туманида туғилган. У ўз меҳнат фаолиятини қиш-

лоқда оддий деҳқонликдан бошлаб, мамлакат миқёсида масъулиятли вазифаларга бўлган шарафли йўлни босиб ўтди.

У 1976 йилда Тошкент халқ хўжалиги институти тамолагач, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисоди, кейинчалик Ўзбекистон бозор ислотлари илмий-тадқиқот институтида илмий фаолият билан шуғулланди, фан номзоди, сўнгра иқтисод фанлари доктори илмий даражаларига эришди. А. Жўраев мазкур институт директори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг етакчи консультанти, макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг ўринбосари, Давлат мулки қўмитаси раисининг ўринбосари ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари ва ке-йинчалик вазир лавозимларида фаолият кўрсатди. 2004 йилдан бошлаб эса қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб кела-

ётган эди.

Абдивоҳид Жўраев аграр соҳани ислоҳ қилишга оид миллий қонунчилигимиз базасини яратиш ва мустақамлаш, жумладан, қонунлар, ҳуқуқат қарорлари ва норматив-методик ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, уларни ҳаётга татбиқ этишни ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда жонбозлик кўрсатди.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга, уларга хизмат кўрсатиш тизимини, шартномавий муносабатлар ҳамда ҳисоб-китоб ишларини такомиллаштириш ва мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги ислотларни янги босқичга кўтариш борасида фаол иштирок этди. Хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқаларни мустақамлаш, тармоққа чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш ишларига раҳбарлик қилди.

Абдивоҳид Жўраев нафақат республика миқёсидаги раҳбар, балки қишлоқ хўжалиги

иқтисодиёти соҳасидаги йирик олимлардан бири эди. У кўплаб илмий ходимларга раҳбарлик қилди, бир қанча монографиялар, дарслиқлар, илмий мақола-лар, услубий тавсиялар муаллифидир. Ташаббускорлиги, изланувчанлиги туйғайли илмий жамоатчилик, қишлоқ хўжалиги ходимлари ва деҳқонлар ўртасида катта эътиборга сазовор бўлди.

Абдивоҳид Жўраевнинг фидокорона меҳнат фаолияти давлатимиз раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланган. У Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан муқофотланган ҳамда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи» унвонига сазовор бўлган.

Ишчан ва ташкилотчи раҳбар, истеъдодли олим, камтар инсон, садақатли дўст ва меҳрибон устоз Абдивоҳид Жўраевнинг хотираси қалбларимизда умр-бод сақланиб қолади.

### • Эътироф

Ван Ан ЙИН, хитойлик профессор:

## «ЎЗБЕКЛАР БУНЁДКОР ХАЛҚ»

— Дунёда шаҳарлар, мамлакатлар кўп. Ҳаммасининг ҳам ўз ўрни, салмоғи бор. Аммо Ўзбекистонга тенг келадиган гўзал диёр ер юзида кам. Юртингизга Аллоҳнинг назари тушгани рост экан. Турпоғида жамики нарсанга ўркан. Айниқса, ёзини айтмайсизми? Ҳамма ёқда пишкчилик, тўқинлик. Бундай манзарани Ўзбекистонда яшаган одамгина кўриши мумкин. Мен ҳам қарийб тўрт йил давомида Кўнғирот сода заводи қурилишида меҳнат қилдим, Ўзбек халқи билан ёнма-ён яшаб, файзли тўйларидан қатнашдим.

Тан олиб айтаманки, ўзбеклар бунёдкор халқ экан. Мамлакатингизнинг ҳар бир гўшасида қурилиш. Одамлар яратувчанлик ҳисси билан яшамоқда. Бундай меҳнатқаш, меҳмондўст халқи бор юртининг юки асло ерда қолмайди.

Ўзбекистон буюқ келажак сари шаддам одимлаётган, тинчлик ва барқарорлик учун қурашаётган мамлакат. Унинг раҳбари юрт ободлиги, Ватан равнақи, халқининг фаровонлиги учун толмас курашчи эканлигини мана 15 йилдирки амалда намоён этиб келаяпти. Бундай йўлбошчиси билан халқингиз ҳар қанча фахрланса арзийди.

Яна бир жиҳат. Ўзбекистонда одамлар аждодлари қолдирган тарихий-маданий меросни юксак қадрларкан. Шунинг учун бўлса керак, қадимий шаҳарлар — Хива, Бухоро, Самарқанднинг тарихий обидалари асрлар оша салобат тўқиб турибди. Утмишдан сўзловчи Ичан қалъа, Минораи Калон, Ситораи Моҳи Хосса, Шоҳи Зинда, қадимий Регистон меъморий обидалари ҳеч қимни бефарқ қолдирмайди. Уларнинг қайта таъмирлангани, атрофи

обод этилгани юрт раҳбарияти ва ҳар бир ўзбекистонликнинг ўз Ватанига бўлган чўқур муҳаббатидан дарак беради.

Биз, бир гуруҳ кимёгарлар ватанимизга қайта туриб, юртингизнинг мўтабар шаҳарларини зиёрат қилдик. Очиғи, Шарқ гавҳари бўлган Бухоро менда катта таассурот қолдирди. Очиқ осмон остидаги бу шаҳарни музей деймиз, унинг ўнлаб тарихий обидалари олдида ҳайратингизни яширолмайсиз. Одамларини айтмайсизми? Ҳаммаси меҳмондўст.

Эрта-индин мустақиллик айёмини нишонлайдиган ушбу ўлкадаги байрам шўқуни кўриб, дилимдан шундай ўй кечмоқда — жаннатмакон юртингизга кўз тегмасин! Келажак буюқ давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган халқингизнинг боши омон бўлсин!

Баҳрон ДАВРОНОВ ёзиб олди.


## АНГРЕН КИМЁ САНОАТ КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

*меҳнатқаш халқимизни*

Истиқлолимизнинг 15 йиллиги

*Билан кутлайди.*

Илмга чанқоқ, ғайратга тўла,  
Ватанга садоқатли ёшларимиз давлатимиз  
қудратини ошириб бораверсинлар!



ЧИРЧИҚДАГИ

## «ЭЛЕКТРОКИМЁСАНОАТ»

очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоаси

жонажон Ўзбекистонимизнинг барча фуқароларини энг улуг, энг азиз байрам —

мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллиги

билан самимий муборакбод этади.

Истиқлол йилларида корхонамизда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турлари ортди.

Азот кислотасининг кучли ва кучсиз турлари, оптингургурт кислотаси, аммиакли селитра, тозаланган карбонат-ангидрид газ, қуруқ муз, суюқ азот, суюқ кислород, карбамид, катализатор сингари минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жамиятимизда эришилаётган бундай янгиланишларнинг барчаси истиқлолимиз шарофати туйғайли содир бўлмоқда.

Улуғ байрам арафасида барчага эзгулик, бахт,  
ҳар бир оилага фаровонлик тилаймиз!



АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

## «ПАХТА БАНК»

ўз акциядорлари ва мижозларини,  
барча юртдошларимизни мамлакатимиз

Мустақиллигининг 15 йиллиги байрами

билан самимий муборакбод этади.

Шу билан бирга «Пахта банк»

Сиз азизларга ўзининг

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда  
12 та вилоят бошқармалари, 187 та туман  
филиаллари ва 640 та мини банклари  
орқали миллий ҳамда чет эл  
валюталарида барча замонавий банк  
хизматларини таклиф этади.

Соғлиқ, оилавий бахт ва муваффақиятлар  
донмо ҳамроҳингиз бўлсин!



Сизларни мижозларимиз  
орасида кўришдан бағоят хурсандмиз!

«Пахта банк» — фаровонлигингиз калити!



МАРГИЛОНДАГИ  
КЎШ КУВОНЧ

Водий бўйлаб сафаримиз Марғилондан бошланди. Фарғонанинг гавҳари бўлган бу шаҳарда байрам шукӯҳи кезаётганини ҳар бир кўчада, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда, кўйинги, ҳар бир хонадонда кўриладиган ўзгача таратқулдан ҳам билиш мумкин эди. Бунёдкорлик туйғуси билан яшаётган одамларнинг юз-кўзларига боқиб, улуғ тўй арафасида ҳар бир инсон дилдан нималар кечаётганини ҳис этасиз. Дарҳақиқат, бу руҳ 27-умумтаълим мактабига борганимизда ҳам яққол сезилиб турди.

Қаршимиздаги илк манзара — кенг, озода ховли, четларида байроқ ҳилпиратган мраммар йўлак, салобатли мактаб биноси, чаман бўлиб очилиб ётган гулзорнинг ўзбек кишини ҳаяжонга солади. Бундай тароватни кўриб, «одамлар ана шундай мактабни неча йиллар орзу қилди экан», деган ўй кечади.

— Бундай эзгу ишни амалга ошириш бизга насиб этгани жудаям катта бахт, — дейди мактаб директори Маҳбуба Мадраҳимова. — Истиқлолимизнинг 15 йиллик тўйи арафасида мактабимизнинг капитал реконструкция қилиниши биз учун кўшалок байрам бўлди. Нияям дейман, фарзандларимиз учун ана шундай гамхўрлик қилган Президентимизга раҳмат!

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Муҳаммад-жон Ҳўжаевнинг таъкидлашича, шу йилнинг ўзида Фарғонада дастур доирасида 128 та мактаб янгидан чирой очилди. Улардан 2 таси янги қурилган бўлса, 35 таси капитал реконструкция, 50 таси капитал ва 41 таси жорий таъмирланибди. Шу билан бирга айни кун-

# МАКТАБДАН БОШЛАНГАН ЭЗГУЛИК

Ўз мустақиллигини қўлга киритган ҳар бир мамлакат олдида даставвал турфа муаммолар гирдобидан ўтиб, таъбир жоиз бўлса, улкан уммон бўйлаб сафарга чиққан кemasининг борар манзилни, унга элтар йўлни белгилаш вазифаси кўндаланг туради. Бунинг учун эса, аввало, иқтисодий ислохотларга зўр бериш, яъни тараққиётнинг моддий асосларини мустаҳкамлаб олиш зарур. Лекин дунёда шундай давлатлар ҳам борки, келажак ҳақида қайғуриб, соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш тимсолида ўз истиқболининг ёруғ манзилни кўрганлар. Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш сисъатига берилаётган юксак эътибор, таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш бўйича олиб борилаётган беқиёс ишлар Ўзбекистоннинг ана шундай эзгу йўлдан бораётганидан далолатдир.

Яқинда бир гуруҳ ОАВ вакиллари Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Фарғона водийси бўйлаб ўтказилган матбуот анжуманида қатнашиб, жойларда Умуммиллий дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар фарзандларимиз қалбига истиқболимизга ишонч туйғуларини мустаҳкамлаётганига гувоҳ бўлдик.

ларда бу мактабларни жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда экан.

Бу сўзларнинг ижобатини биз яна бир муҳташам даргоҳ — 32-ўрта мактаб тимсолида ҳам кўрдик. Дарвоқе, кўринишидан энг замонавий бинолардан ҳам қолишмайдиган бу мактаб тўрт ой ичида қад ростлади, деса биров ишонмайди. Айтишларича, гоят улуғ бу иш дастурдан ташқари, ҳукумат қарори билан келаси йили 2000 йиллиги нишонланадиган Марғилон шаҳрининг юбилейига бағишлаб амалга оширилибди. Айни пайтда энг сўнгги пардозлаш ишлари кетаётган мактаб биноси эрта-индин юзлаб ўқувчиларга тўхфа этилиши режалаштирилмоқда.

Ана шундай беқиёс бунёдкорликни Қувасой шаҳридаги 6-Учкўприк тумани, Тўхсонқовун қишлоғидаги 55-Кўқон шаҳридаги 12-ўрта мактабларда ҳам кўрдик. Кўқондаги 4-ўрта мактабда эса кўпчилик ҳамкасбларимиз ўз ҳайратларини яширишолмади. «Мактаб эмас, музей экан», деб юборишди ҳатто баъзилар. Дарвоқе, бу фикрда жон бор. Эски биноси 1934 йилда қурилиб, кейинги йилларда қарийб тўкилиб тўшаман деб турган мактабни бугунгиси билан таққослаган киши «мустақиллик берган тенгсиз имкониятлардан биттаси шу-да», дей-

иши табиий. Мактаб таъмирига 437,4 млн. сўм маблағ сарфланган. Кўшимча 2 та ўқув биноси, битта спортзал, ошхона қурилган. Мактаб ичидаги шарт-шароит яратилиши, балки таълим сифати ва самардорлигини, унинг мазмунини ошириш бўйича ҳам улкан ишлар қилинмоқда. Мактаблар ўқувчи, билиминини бойитиш учун зарур бўлган лабораториялар, ўқув жиҳозлари ва бошқа воситалар билан таъминланмоқдаки, бунинг натижасида ўқувчиларнинг мазмунли меҳнат қилишига, ёшларнинг иштиёқ билан билим олишига кенг шароит яратилмоқда.

«КАНИЙДИ,  
ЕШ БЎЛСАМУ,  
ШУНДАЙ МАКТАБДА  
ЎҚИСАМ»

Қизғин таассуротларга, самимий эътирофларга бой сафаримизнинг иккинчи кунини Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманидаги 3-мактаб билан танишишдан бошланди.

Мактабда ташкил этилган методика маркази вилоят педагогларига назарий ва амалий ёрдам берувчи ягона марказ ҳисобланади. Бу ерда фан

ўқитувчиларнинг дарс ишланмалари, ўқув-услубий тавсия ва режалари алоҳида стендлар шаклида бўлиб, ҳар бир фан бўйича базавий маълумотлар йиғилган. Қисқаси, ўқитувчи учун ҳамма шароит етарли. Фақат ишлаш, изланиш, бир сўз билан айтганда, пухта билим беришининг сир-асрорларини ўрганиш лозим.

Вилоятда янги қурилган мактаблардан бири — Мингбулоқ туманидаги 12-мактабнинг очилиш тантаналари эса чинакам байрамга айланиб кетди.

Озод юртимизнинг мадҳияси янгради. Байроқ ҳилпирайди. Хамма ҳаяжонда. Мулкобод қишлоғида кекса ўқитувчи Мамадали Собиров биз билан суҳбатда ўз кувончинини шундай изҳор этади:

— Чекка бир қишлоқда мана бундай чиройли қошона қурилгани мен биринчи кўришим. Бу ҳам истиқлол меваси. Бизлар ўқиган вақтда мактаблар полсиз, шифери йўқ, томдан чакки ўгарди. Бугунги ёшларга ҳавасим келади. Қанийди, ёш бўлсаму, шундай мактабда ўқисам.

Улуғ шодиёна арафасида янгича қиёфа касб этган қайси мактабда бўлмайлик, одамлардан шу каби самимий сўзлар,

дилдан айтилган эътирофларни эшитдик. Муҳими, бугун таълим-тарбия учун қайғураётган юртдошларимиз сони ҳам ортиб бормоқда. Масалан, Наманган вилоятида жорий йил дастурига тушган 82 та мактабга саховатли инсонлар томонидан 252 млн. сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилган бўлса, Фарғонада бу кўрсаткич 1 млрд. сўмни ташкил этган.

Наманган туманидаги 26-ўрта мактабда матбуот анжумани қатнашчилари билан вилоят ҳокими Икромхон Нажмиддинов суҳбатлашди. Вилоят раҳбари Умуммиллий дастур бўйича олиб берилган ишлар одамлар онда ҳам ўзгариш ясаганини гапириб, мактабларга қўйилаётган бугунги талаб ҳар қачонгидан залворли эканлигини таъкидлади.

Одатдаги расмийчиликдан йироқ, дилкаш мулоқотларга айланган сафаримиз давомида биз Андижон вилоятининг Олтинқўл туманидаги 28-мактаб, 45-ихтисослаштирилган мактаб-интернат, Андижон туманидаги 39-мактабларда ҳам беқиёс дид билан амалга оширилган ишларнинг гувоҳи бўлдик.

— Бундай ажойиб қошонада ўқиган фарзандлардан ёмон одам чиқмайди, — деди Анди-

жон вилоят ҳокими Сайдулло Бегалиев анжуман қатнашчилари билан бўлган суҳбатда. — Андижонда 111 нафар мустақиллик тенгдоши бор. Бу фарзандларимиз истиқлол билан бир кунда туғилганлар. Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги байрамида вилоят аҳли билан бирга бу бахтли ёшларга ҳам табрик йўлламоқчимиз.

Бир сўз билан айтганда, водийнинг ҳар учала вилоятида бўлиб, ҳаётбахш омилга айланган Умуммиллий дастурнинг жойлардаги ижобати барча учун ҳайратланарли натижаларга бой бўлаётганини дил-дилдан ҳис этдик. Умуммиллат ишига айланган бу ислохотларнинг пилоравад мақсади билимли, баркамол, маърифатли авлодларни воёга етказиш экан, мактабдек муқаддас даргоҳда бунинг пухта асоси аллақачон шаклланаётганига яна бир бор имон келтирдик.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,  
«Ўзбекистон овози»  
муҳбири

Суратда: Марғилон шаҳри,  
«Машад» маҳалла фуқаролар  
йиғинида қад ростлаган замонавий мактаб.

Муқимжон ҚОДИРОВ  
(ЎЗА) олган сурат.



## ФРАНЦИЯ

Франция президенти Жак Ширак икки минг нафар ҳарбийдан иборат тинчликпарвар кучлари контингентини Ливанга юбориш ниятида эканлигини маълум қилди. Бундан олдин расмий Париж Ливанга 400 нафар аскар юборилиши ҳақида айтганди.

Франция президенти сўзларига кўра, Париж халқаро тинчликпарвар кучлар бошқарувини ҳам қўлга олиши мумкин. Франциянинг собиқ мустамлакаси бўлган Ливандаги Франция позициялари ҳалиям кучлилигича қолмоқда.

Италия Ливанга энг кўпсонли контингентни, яъни 3 минг нафар аскарни юборди. Расмий Рим ҳам аскарлар бошқарувини ўз бўйинига олишни таклиф қилган.

Европа Иттифоқида раислик қилаётган Финляндиянинг ташқи ишлар вазири Эрkki Туомио тинчликпарвар кучлар Ливанда бир ҳафта ичида жойлаштирилишига умид боғлади. Бироқ айни пайтда ваъда қилинган 15 минглик контингент учун қайси мамлакатлар аскар юбориши ноаниқ бўлиб турибди. Бу кучларнинг тенг ярми ЕИ давлатлари томонидан тўлдирилиши керак.

## АРГЕНТИНА

Аргентина атом энергетикасини ривожлантириш стратегик режалари ҳақида маълум қилди. «Ассошиэйтед Пресс» агентлигининг маълум қилишича, мамлакатда энергияга бўлган эҳтиёжнинг ошиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, ҳукумат эски АЭСларни модернизация қилиш ва уран казишни тиклаш ниятида эканлигини билдирган.

Мамлакатнинг режалаштириш вазири Хулио де Видо ҳукумат «Atucha I» ва «Embalse» электростанциялари эксплуатация мuddатини узайтироқчи. Бу станциялардаги усқуналар 1970 йилларнинг ўртасидан бошлаб алмаштирилмаганди.

2010 йилга келиб «Atucha II»

АЭСни ишга тушириш кўзда тутилган. Станция қурилиши йилгирма йил олдин тўхтаб қўйилганди. Янги дастур 8 йилга мўлжалланган бўлиб, ҳукуматга 3,5 миллиард долларга тушади.

Аргентина Лотин Америкаси мамлакатлари орасида ядро энергиясини ишлаб чиқариш бўйича етакчи ҳисобланади. Энергиянинг углеводородли манбаларига ўсиб бораётган нархлар Аргентина ва Бразилияни энергиянинг янги турларини қидириб топишга мажбур қилмоқда. Май ойида Бразилия ядро ёнилғисини ишлаб чиқариш учун урани бойитувчи заводни ишга туширди. Ҳисоб-китобларга кўра, бу миллионлаб долларни иқтисод қилиш имконини беради.

## ВЬЕТНАМ

Вьетнамда қамқоқхонадан қочган жиноятчи полицияда 20 йил ишлашга муваффақ бўлган. 51 ёшли Нго Танх Там ўтган кўшанба кун қўлга олинди. У 20 йилга яқин вақт ичида сохта исм билан Вьетнам полициясида ишлаб, бу йил Коммунистлар партиясига аъзо бўлган.

У 1984 йилда содир этган талончиликлари учун 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган эди. Жиноятчининг сири қандай фош этилгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

UNIC

## «ЎЗБЕКИНВЕСТ» ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ



Ўзбекистон халқини энг азиз, энг улуғ байрамимиз

Ватанимиз Мустақиллигининг 15 йиллиги

билан муборакбод этади.

Юртимиз ҳамиша тинч бўлишини, ҳар бир фуқаро осойишта,  
бахтиёр ва фаровон турмуш кечиршини тилайди.

«Ўзбекинвест» — хотирхамлигини учун хизмат қилади.

Тел: 133-05-56, 133-08-54. Факс: 120-65-38. WWW. uzbekinvest.uz



Хизматлар лицензияланган.

**БУХОРО** ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ ЖАМОАСИ

мамлакатимизнинг барча фуқароларини,  
«Ўзбекистон ҳаво йўллари»  
миллий авиакомпанияси тизими ходимларини

**Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги**

шодиёналари билан муборакбод этади.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонимиз жаҳонга юз тутиб,  
унинг халқаро алоқалари кенгаймоқда.

Бунда истиқлол йилларида Бухоро аэропортига  
халқаро мақом берилганлиги ҳам муҳим аҳамият  
касб этаётир. Жорий йилнинг ўзида  
биргина Россия пойтахти Москвага ҳафтада  
6 марта рейс амалга оширилаяпти. Яқин орада  
Санкт-Петербург ва Урумчи (Хитой) шаҳарларига  
ҳам халқаро рейслар уюштирилади.

Ниятимиз — Ўзбекистонимиз осмонни  
мусаффо бўлсин, эзгу мақсадлар сари  
дадил одимлаётган ватандошларимизга  
мудом омад кулиб боқсин!

**АНГРЕН ПЕДАГОГИКА  
КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ**

барча юртдошларимизни республикаимизнинг  
энг азиз, энг қилғ байрами —

**Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги**

айёми билан табриклайди.

Ушбу шукуҳли кунларда  
мамлакатимиз аҳлига тинчлик ва  
хотиржамлик, дастурхонларига  
қут-барака, амалга ошираётган  
хайрли ишларига омад тилайди.

Диёримиз тобора чирой  
очиб бораверсин.

**Истиқлолимиз абадий бўлсин!****«ТОШКЕНТШАҲАРТРАНСХИЗМАТ»****уюшмаси**

Азиз юртдошларимизни мамлакатимиз

Мустақиллигининг 15 йиллиги

билан қутлайди!


15

Кўҳна тарих учун қисқа муддат ҳисобланган бу даврда улкан  
иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди.  
Бундай кенг кўламли ишларда бизнинг ҳам камтарона ҳиссамиз  
борлигидан фахрланамиз.

Шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатишнинг янги,  
самарали усулларини излаб топиш, уларга жаҳон андазаларига  
мос қулайликлар яратиш асосий мақсадимиздир.

Бу йўлда куч-гайратимизни аямаймиз.

Мустақиллик айёми муборак бўлсин,  
азиз ватандошлар!



● Газетада босилмади, аммо...

# ҲАММАСИ СЎЗЛАШУВ ВАҚТИГА БОҒЛИҚ

Хонага кўринишдан абжиргина отахон кириб келди. Муомаласидан ўқимишли, ҳаётий тажрибаси етарли эканига сезилиб турарди. У ўзини Акбар Набиев деб таништириб, пойтахтнинг Тожи Расулов кўчаси, 1-март тор кўча, 16-уйда истиқомат қилишини билдирди. Кейин Мустақилликнинг тарихий қисқа доврида буюк ислохотлар амалга оширилгани ҳақида ифтихор билан сўзлади. Сўнг муддаога кўчиб, еттита рақамли телефонларнинг жорий этилиши билан алоқа ва сўзлашув сифати яхшиланганлиги, лекин кунига олти дақиқа, ойига уч соатли гаплашув лимити белгиланиши баъзи оилалар учун қимматга тушаётганлиги, ҳатто уяли телефон даражасида ҳақ тўлашга тўғри келаётгани тўғрисида хат қолдирган эди. Яқинда унинг мактубига «Ўзбектелеком» АҚдан жавоб хати олдик. Унда жумладан шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1995 йил 1 августдаги 307-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача реконструкция қилиш ва такомиллаштириш Миллий дастури»га асосан бутун жаҳон телекоммуникация тизимига интеграциялаш ҳамда иқтисодийнинг барча тармоқлари ва мамлакат аҳолисининг алоқа хизматларига бўлган талабларини тўлароқ қондирувчи миллий телекоммуникация тармоғини яратиб кўзда тутилган. Ушбу дастурга мувофиқ режа асосида 2010 йилгача бўлган муддатда фойдаланилаётган АТСларни такомиллаштириш ва рақамли АТСларга алмаштириш белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан дастлабки босқичда 1994-1995 йилларда фойдаланилаётган АТСларни такомиллаштириш ва рақамли АТСларга алмаштириш борасидаги лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда соҳани

ривожлантириш ва бутун жаҳон иқтисодийга интеграциялашуви бўйича излашлар олиб борилган. Хориж тажрибасида телекоммуникация операторлари фаолиятини ўрганиб, республикамиз ҳудудида фақат чиқиш кўнгироқлари вақтбай тўлов тизимини жорий қилиш ва кириш кўнгироқлари учун ҳақ олмасликка қарор қилинди. Бундан ташқари, ижтимоий масалаларни ечиш мақсадида ҳар ойда 180 дақиқа миқдорда ҳақ тўланмайдиган лимит белгиланди. Олиб борилган иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатдики, барча давлатлар телекоммуникация соҳаси бўйича ўзларининг сиёсатларидан келиб чиқиб, ойлик абонент тўлови ва лимитдан ортиқча дақиқалар учун тўлов миқдорини ҳисобга олган ҳолда вақтбай тўлов тизими жорий қилинган ойлик маҳаллий сўзлашувлар учун лимит миқдорини белгилашди. Ойлик абонент тўлови тўлаганда Беларусияда 60 дақиқа, Грузияда 300 дақиқа, Украинада 175

дақиқа, Молдовада 200 дақиқа лимит вақтлари белгиланган, Тожикистонда эса тўловлар биринчи дақиқадан бошлаб амалга оширилади. «Ўзбектелеком» АҚ таркибдаги филиал ва корхоналар томонидан универсал телекоммуникация хизматларини кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан тасдиқланган 125-1/1-сонли нархнома асосида амалга оширилади. 2005 йилнинг 15 августидан амалга киритилган вақтбай тўлов тизими қўлланилганда 180 дақиқалик лимит вақтини ўз ичига олувчи ойлик абонент тўлови миқдори 665 сўмни ташкил қилади ва лимитдан ташқари ҳар бир тўлиқ ва нотўлиқ дақиқа учун 2,2 сўм миқдорда тўлов олинади. Вақтбай тўлов тизимини қўллаш имкони бўлмаган аналог станцияларда ойлик абонент тўлови миқдори 1000 сўмни ташкил қилади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, маҳаллий телефони тармоғидан олинмаган даромад уларни кўрсатиш учун сарфланадиган харажатларни қопламайди ва бу харажатлар бошқа хизматлар ҳисобига қопланади. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, 50 фоиздан ортиқ абонентлар бир ойда ўртача 360 дақиқача сўзлашадилар ва вақтбай тўлови тизими қўлланилмаганда 1000 сўм миқдорда ойлик абонент тўлови

тўлайдилар. Улардан 30 фоизи бир ойда белгиланган 180 дақиқа лимит доирасида сўзлашадилар, яъни 665 сўм миқдорда ойлик абонент тўлови тўлайдилар ёки вақтбай тўлови тизими қўлланилмаган ҳолатга нисбатан 335 сўм миқдорда кам тўлов тўлайдилар. Шуни эслатиб ўтиш лозимки, фавқулодда тезкор хизматлар (ёнгинга қарши кураш, милиция, тез тиббий ёрдам, газ тармоғининг авария хизмати, кутқарув хизмати ва бошқалар)ни қақариш кўнгироқлари учун ҳақ олинмайди. Станцияга тушадиган юкланишни тўғри тақсимлаш ва абонентларга қулай шароитларни яратиб бериш мақсадида абонентлар учун соат 22.00 дан соат 07.00 гача маҳаллий кўнгироқларнинг ҳар бир дақиқаси учун тўловлар 10 фоиз миқдорда камайтирувчи коэффициент белгиланган ва 2,2 сўм ўрнига 1,98 сўмни ташкил қилади. Бутун дунёда кенг тарқалган рақамли телефон станцияларида жорий қилинган вақтбай тўлов тизими телефон алоқаси хизматларидан фойдаланишда техник воситаларни ишлатилганлиги учун ҳаққоний тўлов олинади (кўп гаплашса — кўп тўлов тўлайди) ва бугунги кун талабларига жавоб беради.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Бош директори Х.МУХИТДИНОВ»

**Муҳтарам юртдошлар!**  
**«РОУТАХТ АУКСИОН»**  
 давлат унитар корхонаси  
 барчангизни  
 юртимиз Истиқлолнинг 15 йиллиги  
 билан салмилий муборакбоқ этади! Ушбу қувончли кунларда сизларга бахт-саодат, хонадонингизга тинчлик-хошнўжамлик, дастурхонингизга қўш-барока тилайди.

**Азиз юртдошлар, тадбиркорлар ва ишбилармонлар!**  
 Мулкдорга ҳамкор «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси Сизларни кимошди савдоларига таклиф этади. Аукцион савдоларида ҳар хил турдаги бино ва иншоотлар қуриш учун мўлжалланган ер майдонларининг узок муддатли ижара ҳуқуқлари, шунингдек, аввал давлат тасарруфида бўлган автотранспорт воситалари мавжуд. Кимошди савдоларига марҳамат!

**Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уй. Телефон: 133-23-40.**



**Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси**

2006 йилнинг 5,8,12,15,19,22,26,29 сентябрь, 3,6,10,13,17,20,24,27,3 октябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказилади

Савдоларга Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси» давлат корхонаси балансидаги Тошкент шаҳар,	С.Раҳимов тумани, Бешқўрғон даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган 17-сонли коттеж 18 030 000 сўм бошланғич нарх билан қўйилади.
2006 йилнинг 26,29 сентябрь ва 3,6,10,13,17,20,24,27,31 октябрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига	
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Муродова кўчаси, 7-уйда жойлашган «8-сонли автосарой» очик акциядорлик жамиятига қарашли 2002 йилда иш-	лаб чиқарилган, д/р 10 АН 419 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси 3 600 381 сўм бошланғич нарх билан қўйилади.
Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдордаги закат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади. Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.	

Гувоҳнома № 000815

# «ҒИЖДУВОН ПАХТА ТОЗАЛАШ»

## акциядорлик жамияти жамоаси


республикамиз меҳнат аҳлини,  
барча пахтакорларни мамлакатимиз

**Мустақиллигининг  
15 йиллиги байрами  
билан қизғин қутлайди**

**Мустақиллик қадриятларимизни  
қайта тиклади, деҳқон ернинг  
ҳақиқий эгаси бўлди,  
шаҳару қишлоқлар қиёфаси  
мутлақо ўзгарди.**

**Пиру комилемиз — Абдухолиқ  
Ғиждувоний ҳазратлари ҳурмати  
жойига қўйилиб, бу улуг зот  
таваллудининг 900 йиллиги жаҳон  
миқёсида нишонланди.**

**Бугун Истиқлол туфайли қайта  
чирой очган Абдухолиқ Ғиждувоний  
юртига зиёратчилар сафи  
тобора кенгайиб бораётганининг  
ўзи бир шарафдир.**



**Истиқлол байрами муборак бўлсин, азиз ватандошлар!**

• Ўзбекистон — Япония

# ДАЛВАРЗИНТЕПА ХАЗИНАСИ

Яқинда ушбу шахристондан иккита кўзгу, билакузук, 21 дона маржон, узук, фил суягидан ясалган қутича, бешта мис танга, ўқ-ёйлар ҳамда кўплаб осори-атикалар топилди. Нақшинкор сопол остодоннинг узунлиги — 78, баландлиги эса 45 сантиметрга тенг экан.



Сурхон воҳасида 220 дан ортиқ архерлогик ёдгорликлар бўлиб, улар қадим ўтмишга бориб тақалиши билан алоҳида ажралиб туради. Биргина Термизда қирқка яқин маскан қайд этилган бўлса, Деновда бу 50 дан ҳам ортиқ экан. Қазилма ишлари давомида бу маконлардан минглаб турли буюмлар топилган. Бугунги кунда ушбу манзилгоҳларнинг аксариятида қазилма ишлари давом эттирилмоқда. Жанубдан Сарманган (Жарқурғон), шимолдан Новадқад (Сурхоннинг бошланғичи), ғарбдан Темир Дарвоза, шарқдан Амударёгача бўлган худудни эгаллаган қадим Чғонийнинг машҳур манзилгоҳларидан бири Далварзинтепа ҳисобланади. Ундан топилган осори-атикалар, сопол буюмлар, турли ҳайкаллар, бебаҳо олтинлар хориқлик мутахассис ва сайёҳларни ҳам ноёблиги билан мафтун этиб келмоқда.



балки Марказий Осиёда топилган бебаҳо бойликнинг бири эди.

...1988 йилда Япониянинг Нара шаҳрида «Ипак йўли Нарага боради» мавзуда халқро кўргазма бўлиб ўтган. Унда Хитой, Япония, Хиндистон, Афғонистон, Сурия ва бошқа бир қанча хорижий мамлакатлар қатори Далварзинтепадан топилган Будданинг боши, Бодхисатва ҳайкали ҳамда Будданинг кўл қисми ҳам намойиш қилинган. Етти ойга яқин давом этган мазкур кўргазмада Ўзбекистондан олиб борилган қадимги осори-атикалар барчада катта таассурот қолдирган. Шу кўргазма сабаб ўзбек-япон ҳамкорлиги йўлида дадил қадамлар ташланган. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бу борадаги ўзаро алоқа янада ривожланди.

— Кунчиқар юрт — Японияда туғилган бўлсамда, мана 17 йилдики Ўзбекистондек жаннатмакон дийрда ашялганман, — дейди Сока университети ўқитувчиси Кюдзо Като. — Узимни шу юртининг фарзанди, деб биламан. Камтарона меҳнатим Президент Ислоҳ Каримов томонидан юксак эътироф этилиб, «Дўстлик» ордени билан мукофотландим. Ўзбекистоннинг фахрий фуқаросиман. Халқининг очикқўнгиллиги, меҳнаткаш ва меҳмондўстлиги мени мафтун этган. Кўпгина урф-одатларимиз бир-бирига жуда ўхшаш. Қадриятларни қадрлашни ўзбеклардан ўрганса арзийди.

— Таржимон, журналист, олим, археолог, доктор бўлган устозимиз, 84 ёшли Кюдзо Катони ўз юртида «Япониянинг Марко Полоси», деб ҳурмат қилишади, —

дея давом этди Баҳодир Турғунов. — У ўз ватанига қайтаётганида Ўзбек ятагини кийиб олади. Чопон ҳамда саллани ўрагач, ўзи ясаган ҳассаси билан самолётга чиқади. Бизнинг қадриятларимизни қадрлаётган бундай инсондан фахрланмай бўладими?

Яна бир қувончи янгилик. Шу йилнинг ёзида Баҳодир Турғунов шахристоннинг шарқий мудоффа девори ёнидан VII-VIII асрларга оид қабристонга дуч келди. Унда ўнга яқин одамнинг скелети мавжуд экан. Энг ахамиятли жиҳати шундаки, бир аёл суякларини ёнидан унинг иккита кўзгуси, узук, билакузук, 21 дона маржон, фил суягидан тайёрланган қутича, 5 дона мис тангалар топилган. Иккинчи қабрда 7 нафар эркак ва уларнинг таналарига санчилган ўқ-ёйлар, яна бир қабрда эса атрофи нақшинкор сопол остодон (маҳсус идиш) қазиб олинган. Унинг узунлиги — 78, баландлиги эса 45 сантиметрга тенг келади. Бу XXI асрнинг янги топилмаларидир.

— Кунчиқар юрт — Японияда туғилган бўлсамда, мана 17 йилдики Ўзбекистондек жаннатмакон дийрда ашялганман, — дейди Сока университети ўқитувчиси Кюдзо Като. — Узимни шу юртининг фарзанди, деб биламан. Камтарона меҳнатим Президент Ислоҳ Каримов томонидан юксак эътироф этилиб, «Дўстлик» ордени билан мукофотландим. Ўзбекистоннинг фахрий фуқаросиман. Халқининг очикқўнгиллиги, меҳнаткаш ва меҳмондўстлиги мени мафтун этган. Кўпгина урф-одатларимиз бир-бирига жуда ўхшаш. Қадриятларни қадрлашни ўзбеклардан ўрганса арзийди.

— Таржимон, журналист, олим, археолог, доктор бўлган устозимиз, 84 ёшли Кюдзо Катони ўз юртида «Япониянинг Марко Полоси», деб ҳурмат қилишади, —

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

## «ПАХТАКОР ТОЛА БАЗАСИ»

ШЎЪБА КОРХОНАСИ қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Жиззах шаҳридаги омборхона биналарини тола сақлаш бостирмалари (навес) учун реконструкция қилиш»

Қурилиш ишларини тугаллаш муддати: 2006 йил 15 декабрга.

Буюртмачи манзили: Жиззах вилояти, Пахтакор шаҳри, Бўстон кўчаси, 21-уй. Тел/факс: (8372-35) 3-14-26.

Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ўзмарказимпекс» давлат акциядорлик ташкили савдо компаниясининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридан айланма маблағларига ёки курсатиб ўтилган маблағларини беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларини баҳарлаш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли қасбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий

лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўронома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиши мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (элик миң) сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридagi манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этилиши охири муддати — оферталар очилиш кунини ва соатишга. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

• Интер-спорт

### «ИШИ» ЯНА КЎРИЛАДИ

«Ювентус» (Италия) футбол клубининг иши «В» туркуми бўйича судда кўрилиши кўзда тутилмоқда. Шунинг учун ҳам клуб раҳбарияти навбатдаги апелляция аризасини Ладио ФИФА фуқаролик судида кўриб чиқиш учун топширди. ФИФА ва унинг президенти Зепп Блаттер эса футболдаги ноҳуш воқеалар спорт арбитражидан олиб, фуқаролик ишида кўрилишига қаршилик қилмоқда. Шунга қарамай, иш 6 сентябргача кўрилиши лозим эмиш. Чунки, 10 сентябрда мамлакат миллий чемпионати ўйинлари бошланади.

### ЖАНГ ҚИЛИШГА РОЗИ

Россиялик оғир вазнли боксчи Олег Маскаев 12 август кuni WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони номига сазовор бўлган. Шу кундан бошлаб, IBF йўналишидаги жаҳон чемпиони Владимир Кличко Маскаевни жанг қилишга таклиф қилиб келаётган эди. Фақат учрашув муддати номаълум бўлиб турувди. Маскаев Шимоллий Американинг ESPN телеканалда чиқиш қилиб, «Мен Владимир билан жанг қилишга қарши эмасман, фақат учрашув муддати муаммо бўлиб турибди. Бойси, жанг қилишимга қадар соғлигимни тиклашим зарур», — деб таъкидлади.

Маълумки, Маскаев Хасим Раҳмон билан бўлган жанг пайтида чап қўлининг бош бармоғини синдириб қўйган эди. Шунинг учун ҳам Кличко билан бўладиган жангни 11 ноябрдан кейин бўлишини маълум қилмоқда. Маскаев билан Кличко менежерлари эса олинандиган моддий рағбатни тенг бўлишга розилик билдиришди.



### 94 КУН ЮГУРГАН ЙИГИТ

Ўттиз тўрт баҳорни кўрган немис спортчиси Роланд Прокан Германиянинг шимолидаги Росток шаҳрида истиқомат қилади. Узок масофага югуриш устаси номини олган бу йигит май ойи ўрталарида ўзига хос жасоратли ишга қўл урган эди. У Истанбул шаҳридан телеоператор ва ўзининг вафодор ити ҳамкорлигида шимолга қараб югуришни бошлаган эди. Немис спортчиси Европанинг 11 мамлақати худуди бўйлаб 5 миң километрдан зиёд йўл босиб, 94 кун ичида Норвегиянинг Нордкап бурнига етиб борди. Роланд кунига 60-120 километргача масофани босиб ўтган. Қарийб 120 та марафон масофани забт этишга эришган югурувчи дам олиб, ўзига келгач, яна инсон имконияти теғрасидаги катта югуришни мўлжаллаб турибди.

## УРГАНЧ халқро аэропорти жамоаси

мамлакатимизнинг барча фуқароларини Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади.

Истиқлол йилларида серқушб дийримиз ҳар томонлама ривожланди. Иқтисодий ва маънавий соҳалардаги юксалиш ҳар қадамда кўзга ташланаётган мустақиллик туғайли бизнинг аэропортига ҳам халқро аэропорт мақомини олди. Жаҳон андозаларига мос аэропорт хизматларини юрдошларимиз ҳам, дийримиз меҳмонлари ҳам мамнун.

Азиз юрдошлар! Ватанимиз фаровонлиги ва келажак йўлидаги ишларда барчангизга омад ёр бўлсин!

## Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан бири ХАЛҚ БАНКИ

Барчангизни республикамиз Мустақиллигининг 15 йиллиги байрами билан чин дилдан тадбирқилайди.

Сиз, азиз юрдошларимизга тинчлик-хотиржамлик, фаровон ҳаётингизда оилавий бахт ва истиқлолни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингизда куч-қувват тилаган ҳолда байрам муносабати билан янги «АЙЁМ» ютуқли омонат турини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари 100 кун муддатга, камида 10.000 сўм миқдоридан Халқ банкининг барча муассасалари орқали қабул қилинади. Сиз фозиз даромадини олиш билан бир вақтда қўшимча 1 000 000 сўм пул ютуғи совриндори бўлиш имкониятига эга бўласиз.

«АЙЁМ» омонатига аҳоли бўш пул маблағлари жорий йўлнинг 1 сентябрга қадар қабул қилиниб, ютуқлар тиражи 2006 йўлнинг сентябрь ойида Марейлон шаҳрида ўтказилади.

### ОИЛАНГИЗ БАНКИ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

СП ООО «Тошикраммет» соошбаёт о своер организации в иностранное предприятие «INPROIL» и об уменьшении Уставного фонда. Претензии принимаются в течение месяца со дня опубликования. Тел: 152-27-86.

Зангиота туманидаги «Иттифоқ», «Туркистон» маданият марказлари ва «Мид» студиясининг бирлашган жамоаси жамоатчи вакил, истеъфодаги полковник Маҳсуд Абдурахмоновга рафикаси

Равшаной АБДУРАХМОНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

<b>BOSH MUHARRIR:</b>	
<b>Safar OSTONOV</b>	
<b>TAHIR HAY'ATI:</b>	
Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Asliddin RUSTAMOV Ashur QODIROV Bobir ALIMOV Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) Allimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekista»)» Norboz SHAKAROV Nomoz SA'DULLAYEV To'lepbergen QAIPIBERGENOV Muslihidin MUHIDDINOV Olim MURODOV Abdug'oni MAMASOIQOV (Mas'ul kotib)	
<b>MUASSIS:</b>	
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI	
<b>BO'LIMLAR:</b>	
Siyosat, partiya va xalqaro hayot	133-10-13
Ma'naviyat va ma'rif	133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot	133-20-36
Parlament va huquq	136-76-21
Ekologiya va salomatlik	133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik	133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar	133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib	133-72-83
Reklama va e'lonlar	133-38-55, 133-47-80
<b>VILOYAT MUXBIRLARI:</b>	
Andijonda —	25-32-70
Buxoroda —	222-10-92
Gulistonda —	25-22-32
Jizzaxda —	5-49-85
Navoiyda —	223-83-73
Namanganda —	6-43-43
Nukusda —	222-70-15
Samarqandda —	35-20-54
Urganchda —	226-51-35
Farg'onada —	26-43-62
Termizda —	3-79-98
<b>MANZILIMIZ:</b>	
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz	
Navbatchi: Sobirjon SALIMOV	
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV	
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.	
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.	
Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.	
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.	
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.	
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.	
G — 1052	
7452 nusxada bosildi	
1 — Tuzatuv matniga	
O'ZA yakuni — Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5 6	
Sotuvda erkin narxda	